



**ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА
МАҲКУМЛАРНИ ФОЙДАЛИ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ЭТИШ
БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

Мелибоев Асқар Эшмуратович

ИИБ Академияси магистратурасининг ташкилий-тактик
йўналиши тингловчиси, подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7408746>

ARTICLE INFO

Received: 01st December 2022
Accepted: 05th December 2022
Online: 07th December 2022

KEY WORDS

Маҳкумлар меҳнати, жазони
ижро этиш департаменти,
жазони ижро этиш
муассасалари, ишлаб
чиқариш бўлимлари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида ҳуқуқшунослар ва олимлар фикр-мулоҳазалари ҳамда бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар маъно мазмуни ўрганилган ва тегишли таклифлар берилган.

Бугунги кунда Юртимизда инсон қадрини улуғлаш асосий мақсад қилиб олинди шу маънода Жазони ижро этиш тизимида ҳам маҳкумларни ҳуқуқларини такомиллаштириш уларни иш билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 445-сон қарори қабул қилиниб, ушбу қарор билан қуйидаги ишларни амалга ошириш белгилаб қўйилди:

– жазони ижро этиш муассасаларига лицензия талаб этиладиган айрим фаолият турлари билан биргаликда тегишли лицензияни олмасдан фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини, истисно тариқасида, бериш;

– маҳкумларни «электрон назорат» қилишни таъминловчи ахборот технологияларини жорий этган ҳолда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш;

– жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолиятдан тушадиган маблағлар мазкур соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва талаб юқори бўлган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилиш;

– жазони ижро этиш муассасалари бозор конъюнктураси ва ўз фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олиб, товарлар (ишлар, хизматлар) учун шартнома (эркин) нархларини (тарифларини) ва рентабеллигини мустақил белгилаш;

– жазони ижро этиш муассасалари товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш нархларини (тарифларини) шакллантиришда ўз ишлаб чиқариш қувватларини



ривожлантириш ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини техник қайта жиҳозлаш харажатларини, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш-техник базасини модернизация қилиш¹ орқали маҳкумларни меҳнати самарадорлигини янада ошириш чоралари кўзда тутилди. Фикримизча, ушбу қарорнинг қабул қилиниши маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб этишда Жазони ижро этиш муассасалари лицензияни олмасдан фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берилиши ва замонавий технологияларни жорий этиш ва талаб юқори бўлган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши меҳнат бозорида ЖИЭМлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тан нархи бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан чиқариладиган маҳсулотлардан арзонроқ бўлиши эвазига кўпроқ даромад олиниши кўзда тутилган. Шу билан бирга, ЖИЭМ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб ортгани сари маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб самарадорлиги янада оширилиб доимий иш билан таъминланиши ва янги иш ўринларига талаб ошиши кўзда тутилган.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 445-сон қарори Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6155666>. Мурожаат вақти: 06.12.2022 й.

қилиш борасида ҳуқуқшунос олимларни фикр-мулоҳазаларини ўрганадиган бўлсак аввало жазони ижро этиш тизимининг етакчи олими А.А. Шодиев маҳкумлар меҳнати борасида, маҳкумларни меҳнатга ўргатишнинг шаффоф, янада самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш зарурлиги² ҳақида сўз юритган. Юқоридаги қарорнинг қабул қилиниши ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилишининг бир исботи сифатида кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Бундан ташқари, М.Ўразалиев маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида ўз фикрини қуйидагича билдирган, маҳкум жамиятга ўзининг амалий меҳнати билан фойда келтириши, аввало, жамият ҳам, давлат ҳам бирдек манфаатдорлигида кўринадиган³ деб билса Д.А.Тураханова эса, маҳкум шахсларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлашда уларни ҳар қандай ижтимоий меҳнатга жалб этиб бўлмайди. Уларни шундай ижтимоий меҳнатга жалб этиш керакки, уларда ушбу ишни қилиш эҳтиёжи юзага келиши ва маҳкум шахслар ўз меҳнатининг натижасидан манфаатдор эканликларини тушунишлари лозим. Жазони ижро этиш муассасаларида

² Шодиев А.А. ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА МАҲКУМЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2021. — № 1 (48). 56 б.

³ Ўразалиев М. Мажбурий жамоат ишлари жазоси тушунчаси ва уни тайинлаш тартиби //Общество и инновации. – 2022. – т. 3. – №. 6/S. – С. 180-187.



маҳкумларни ишлаб чиқариш режасини қандай қилиб бўлса ҳам бажаришга мажбурловчи меҳнат уларда бундай меҳнатга эҳтиёжни вужудга келтирмайди⁴ деб ўз мулоҳазаларини билдиришган.

Юқоридаги олимамизнинг мулоҳазалари шуни кўрсатмоқдаки, Жазони ижро этиш муассасаларининг маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш режасини қандай қилиб бўлса ҳам бажариш назарда тутилмоқда. Ушбу ёндашувга қўшилмаган ҳолда бугунги кунда Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан мақсад иш режасини бажариш эмас, балки маҳкумларни меҳнатга, касбга виждонан ёндашиш, маҳкумларни кўпроқ иқтисодий манфаатдор қилиш кўзда тутилган. Чунки, иш режасини бажариш учун маҳкумларни меҳнатга жалб этсак маҳкум онгида қандай қилиб бўлса ҳам иш режасини (планни) бажариш учун ҳаракат қилади. Оқибатда тартибсиз шошқалоқлик билан фойдаланилаётган иш қуроллари ва ускуналарини ишга ёроқсиз ҳолатга келиб қолиши мумкин бу эса Жазони ижро этиш муассасаларини ишлаб чиқаришига фойда эмас зарар келтиради.

Шунингдек, Қ.Б. Қодировнинг фикрича, маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат ва бу воситаларни қўллашда,

⁴ Turakhanova D. A. EDUCATION OF CONVICTED PERSONS WITH SOCIAL LABOR TIME REQUIREMENT: SOCIAL EXPERIENCE //EDUCATION. – 2020. – т. 1. – С. 10-2020.

маҳкумларнинг меҳнатидан даромад олиш мақсади бўлмаслиги керак⁵ деб ўз мулоҳазаларини асослаган бўлса ушбу ёндашувга Ш.Х. Қушбоқов ҳам қўшилган ҳолда қуйидагича фикр билдирган, маҳкумлар меҳнатидан фойда эмас балки уларни меҳнат орқали тарбиялаш асосий мақсад бўлиши керак. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасининг 2 қисмида маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларидан бири бу уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш кўрсатиб ўтилган⁶.

Назаримизда, юқоридаги олимлар ва ҳуқуқшунослар фикрини ўрганар экансиз маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад қуйидагилар деб биламиз:

биринчидан, маҳкумларни меҳнатга жалб этиш бу фойда олиш эмас уларни қайта тарбиялашнинг бир воситаси сифатида қараш зарурлиги;

иккинчидан, маҳкумларни меҳнатга жалб этиш орқали улар озодликка чиққандан сўнг ҳам жамиятда ўзининг ўрнини топиши, ҳунар ўрганиш орқали озодликка чиққандан сўнг иш билан таъминланиши, бу билан ушбу шахслар

⁵ Қодиров Қ.б. Маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишининг ўзига хос хусусиятлари. Озодликни маҳрум қилиш жойларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. ИИБ Академияси. 2022 й. 121 б.

⁶ Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – т. 1. – №. 27. – С. 16-20.



томонидан қайта жиноят содир этишни олдини олишга қаратилганини англатади. Зеро, жиноятларнинг келиб чиқишининг асл сабаби ишсизликдир.

Шу билан бирга, маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида Н.Салаев назарида, маҳкумлар ўртасидаги моддий ва ижтимоий тенгсизликни, маҳкумларни меҳнат билан банд қилиш даражасининг пастлигини, маҳкумлар моддий-маиший ва тиббий-санитария таъминоти етарли даражада эмаслигини, жазони ижро этиш муассасаларида ва озодликда жинойий уюшмаларнинг криминал фаолиятини, шунингдек жазони ижро этиш жараёнини ташкил этишдаги муаммоларни ўз ичига олади⁷ деб ўз фикрини билдирган.

Фикримизча, ушбу ёндашув бироз тўғри эмас деб биламиз. Чунки, Ҳозирги кунда Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар ўртасидаги моддий ва ижтимоий тенгсизлик ва маҳкумларни меҳнат билан банд қилиш даражасининг пастлиги каби ҳолатлари учрамайди. Сўзимиз исботи сифатида, Жазони ижро этиш Департаментининг 2022 йил 6 ойлик ҳисоботида келтирилган маълумотларга таянадиган бўлсак жорий йилнинг олти ойи давомида Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган меҳнатга лаёқатли 18 202 нафар маҳкумларни 12 400 нафари ёки 68,1 фоизи меҳнатга жалб этилган⁸ бу

эса маҳкумларни меҳнат билан банд қилиш даражасининг пастлигини англатмайди.

Хулоса ўрнида, Бугунги кунда маҳкумларни меҳнатга жалб этишни янада такомиллаштириш борасида қуйидаги таклифларни беришни жоиз топдик:

биринчидан, маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб этишда уларни ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида уларга тўланадиган иш ҳаққини “кунбай” ишлатишдан “ишбай” ишлатиш тизимига ўтиш борасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш зарур;

иккинчидан, Жазони ижро этиш муассасалари ишлаб чиқариш бўлимлари томонидан янги замон талабларига мос келадиган ва аҳоли эҳтиёжлари талаб этаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарур;

учинчидан, Жазони ижро этиш муассасалари ишлаб чиқаришда маҳкумларни фойдали меҳнатга жалб этишда уларни муҳофазасини таъминлаш борасида ишлаш учун алоҳида кийим бош билан таъминлаш яъни ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги борасида ишлаётган маҳкумлар алоҳида кийим бош билан таъминлаш борасида ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида назарда тутилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

⁷ Salaeв N. Пенитенциар жиноятчилик: тушунчаси, сабаблари ва уни профилактика қилиш //О ‘zbekiston qonunchiligi tahlili. – 2016. – №. 1. – С. 40-42.

⁸ Жазони ижро этиш Департаменти 2022 йил 6 ойлик ҳисоботидан.



References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 445-сон қарори Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6155666>. Мурожаат вақти: 06.12.2022 й.
2. Шодиев А.А. ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА МАҲКУМЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2021. — № 1 (48). 56 б.
3. Ўразалиев М. Мажбурий жамоат ишлари жазоси тушунчаси ва уни тайинлаш тартиби //Общество и инновации. – 2022. – т. 3. – №. 6/S. – С. 180-187.
4. Turakhanova D. A. EDUCATION OF CONVICTED PERSONS WITH SOCIAL LABOR TIME REQUIREMENT: SOCIAL EXPERIENCE //EDUCATION. – 2020. – т. 1. – С. 10-2020.
5. Қодиров Қ.б. Маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишининг ўзига хос хусусиятлари. Озодликни маҳрум қилиш жойларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. ИИВ Академияси. 2022 й. 121 б.
6. Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
7. Salaev N. Пенитенциар жиноятчилик: тушунчаси, сабаблари ва уни профилактика қилиш //O‘zbekiston qonunchiligi tahlili. – 2016. – №. 1. – С. 40-42.
8. Жазони ижро этиш Департаменти 2022 йил 6 ойлик ҳисоботидан.